O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 15-mart ● Seshanba ● 31 (27.366) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СЛОВЕНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшекнинг таклифига биноан 2005 йил 15-17 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Словения муносабатларини ривожлантириш ва ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро ҳаётга оид муаммоларни муҳокама этадилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

КАТТА ЕВРОПАНИНГ КИЧИК ПАҲЛАВОНИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи бошланади

Ўзбекистон ва Словения ўртасида муштарак жиҳатлар талайгина.

Абадий илиқ Адриатика денгизи соҳилида жойлашган ушбу мамлакат ҳам худди Ўзбекистон сингари 1991 йили мустақилликка эришган. Ўшанда собиқ Югославия таркибида бўлган мазкур мамлакатда умумхалқ референдуми ўтказилиб, унинг халқи келажак йўлида ўз хоҳиш-иродасини ифода этган эди. Шу тариқа 1991 йил 25 июнь куни мамлакат парламенти Словения Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияни қабул қилганидан буён ушбу сана асосий миллий байрам – Словения давлатчилиги куни сифатида нишонланиб келади.

Словенияликлар ҳам кўп асрлар давомида ўз мустақиллигига интилиб яшаган. Худди Ўзбекистон сингари Словения ҳам кўп миллатли ўлка. У ерда хорватлар ҳам, серблар ҳам, венгрлар ҳам, итальянлар ҳам истиқомат қилади. Мамлакатда католиклар, православлар, мусулмон ва протестантлар ўзаро аҳил яшайдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд, албатта. Словения – мўъжазгина мамлакат бўлиб, унда икки миллиондан сал зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуди эса йигирма минг квадрат километрдан бироз кўпроқ.

Ўзбекистон ва Словения ҳамкорлиги тарихи энди очилаётир. Мамлакатимизда «Файз-Явор» қўшма корхонаси (мактаб мебеллари ишлаб чиқариш) ҳамда «Интертек» Словения хусусий корхонаси (савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш) фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги икки томонлама савдо-сотиқ ҳажми қарийб тўққиз миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Дарҳақиқат, бу кўрсаткич икки мамлакат имкониятлари даражасида эмас. Словениядан бизга дори-дармонлар, электр ускуналари, каучук, резина маҳсулотлари келтирилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «ЛЕК» фирмаси ҳамда «КРКА» фармацевтика заводининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Жорий йил февраль ойида Словения ташқи ишлар вазири, ЕХҲТнинг амалдаги раиси Д.Рупелнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида унга мамлакат ишбилармон доираларининг делегацияси ҳамроҳлик қилди. Словениялик тадбиркорлар «Ўзавтосаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбектелеком» сингари муассасаларда, шунингдек, ўзбекистонлик темирйўлчилар билан музокаралар ўтказишди. Кўпгина соҳаларда ўзаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжуд экани аён бўлди. Мамлакатимиз Президентининг ушбу сафари ана шундай ишончли ва самарали ўзаро ҳамкорликнинг рўёбга чиқишига хизмат қилади. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи чоғида сайёҳлик, автомобилларда йўловчи ва юк ташиш, банк, суғурталаш соҳаларида ҳамкорлик бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси

Наврўз нафаси

КЎНГИЛЛАРДА БАҲОРИЙ ҲИСЛАР...

Дўстлик туманидаги Наврўзқишлоқ аҳли ҳам қадимий байрамга ҳозирлик кўрмоқда

Борлиқ қиш уйқусидан уйғониб, дов-дарахтлар гўзал либосга бурканаётган, табиат тобора яшиланиб бораётган шу кунларда Наврўзқишлоқ ҳам ороланиб, сулувланиб, чирой очиб бораяпти. Кўклам қишлоқ табиатига кўрку тароват бағишлаш билан бир қаторда, одамларнинг қалбига ҳам ажиб таъсирини ўтказаётир. Ахир, ким ҳам бу айём кунларида чор-атрофга назар солиб, завқланмайди, гўзалликларни кўриб қувонмайди, дейсиз?

Қишлоқда 5456 нафар фуқаро яшайди. Улар асосан деҳқончилик билан шуғулланишади. Элликдан зиёд фермер хўжаликларининг ҳаммасида дала ишлари аллақачон бошланиб кетган. Замонавий қишлоқ врачлик пункти, спортсоғломлаштириш мажмуи, иккита умумтаълим мактаби, болалар боғчаси, ўнлаб ошхона ва дўконлар, кутубхона, маиший хизмат шахобчалари ишлаб турибди.

— Билсангиз, Наврўз минг йиллик байрам-а, момогинанг ўргилсин, — дейди қишлоқнинг энг кекса фуқароси — бир юз бир ёшли **Марзия момо Холматова.** — У ота-боболаримиздан, момо-бувиларимиздан мерос бўлиб келаяпти. Азал-азалдан қиш чилласида кўкламни соғинган аждодларимиз Наврўз кунлари қирларга, адирларга, тоғларга, боғларга сайилга чиқишган. Дошқозонларда сумалаклар қайнаган, атрофида ўйин-кулги, айтишувлар бўлган. Эҳтиёжмандлар, беморлар, қариялларнинг ҳолидан хабар олинган. Айтишадики, бундай улуғ кунларда қилинган дуолар ҳам вожиб бўлармиш. Қани, бир дуога қўлингни оч-чи: Илоҳо, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин, йилимиз тўкин келсин, элга фаровонлик, қутбарака инсин.

Дуодан сўнг момо кулиб-кулиб хиргойи қилади:

Баҳор келса
бойчечаклар очилади,
Яхшиларнинг
бошларига сочилади.
Бойчечакни авайлаб
кўзга суртса,
Юзга кирган кампирлар
яшаради...

Момонинг дуосини олиб, қишлоқ оралаб бир даста гул кўтариб шошиб бораётган йигитни суҳбатга тортамиз.

— Наврўз куни туғилганим учун исмимни Наврўз қўйишган, — дейди у кулиб. — Ўттизнинг устидаман. Фермер хўжалигида тракторчи бўлиб ишлайман. Икки нафар фарзандим бор. Байрам арафасида қишлоқ кўчалари тозаланди. Дарахтларга шакл берилди. Деҳқон даласига, чўпон яйловига йўл олди. Ҳадемай қишлоқ хўжалиги юмушлари ҳам бошланиб кетади...

— Бу йилги баҳорни бир умр эсдан чиқармаймиз, — дейишди куни кеча бахт тўйлари бўлиб ўтган Дилшоджон билан Дилфузаойлар. — Табиат анвойи гулларга, турфа чечакларга бурканган бир пайтда оила қурдик. Ҳамқишлоқларимиз, қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар эзгу тилаклар билдиришди.

— Янгиланиш, яшариш айёми ҳамма қатори қишлоғимизнинг кекса-ю ёш фуқароларини ҳам бағрикенглик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатликка чорламоқда, — дейди Наврўзқишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Алибеков. — Унинг таровати ҳар кўча, ҳар хонадонда яққол кўзга ташланаяпти. Байрам арафасида ҳашарлар уюштириб, ободончилик тадбирларини ўтказдик. Ариқ-зовурлар тозаланди, боғ-роғлар барпо этилди, гуллар экилди. Ёлғизлар, меҳрга муҳтож кишиларни йўқладик, уларга баҳоли қудрат ёрдам бердик. Сайиллар уюштираяпмиз, спорт мусобақалари ўтказаяпмиз. Голибларга совринлар берилаяпти. Нимасини айтасиз, борлиқнинг ҳусну тароватини, одамларнинг ўзаро меҳру мурувватини кўриб, кошкийди, ҳар куни Наврўз бўлсайди, дегинг келади.

— Ҳар йили пахта ва ғалладан баракали ҳосил олаяпмиз, — дейди «Сусамбил» фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Алибоев. — Бу йилги ғалламизнинг ҳам авжи баланд. Отамдан эшитганман: ўтмишда Наврўз келиши билан далага қўш чиқар, омоч билан ер ҳайдаб, экин-тикин ишлари бошланар экан. Энди қўш ўрнига далага трактор чиқади-да. Байрам арафасида биз ҳам пахта майдонини чигит экишга тайёрлаб қўйдик. Насиб этса, бу йилги хирмонимиз ҳам баракали бўлади.

Ҳамид Олимжон номли кўчадаги Иқлим Қораева хонадонида сумалак тайёрлаш жараёнининг гувоҳи бўлдик. Моможонлару келинчаклар дошқозон атрофида давра қуришган. Кайвонилар бўз йигитлару, бўй етган қизларга гап отишади: «Сулув қаллиқ учрасин», «Паҳлавон куёв насиб этсин» деб ният қилиб қозонга тош ташланглар...

Атрофни қийқириқ, кулги босиб кетади, ҳазил ҳазилга, қўшиқ рақсга уланади:

Дошқозонда сумалак,
Ковламаган армонда.
Бир-бирининг кўнглини
Овламаган армонда...

Қишлоқ кўчаларида одимлар эканман, кўклам насими юзларимни майин-майин силайди, димоғимга анвойи гулларнинг хуш бўйлари уфуради. Атрофимдаги одамларга разм соламан: уларнинг кўнглида ҳам баҳорий эзгу ҳислар жўш ураётганлигини ҳис қиламан. Бўлаётган ибратли ишларга, ҳавас қилса арзигулик амалларга қараб, баҳор — яқинлашиб келаётган Наврўз шукуҳининг йил бўйи давом этишини ният қиламан.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ
олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

14 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркиби тўғрисидаги таклифларини тингладилар ва ушбу масалани парламент қуйи палатаси депутатларининг муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Муваққат регламенти лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Мазкур масалани Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Сўзга чиққан Қонунчилик палатаси қўмиталари раислари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек, ўтказилиши белгиланган тадбирларининг 2005 йилга мўлжалланган режалари тўғрисида маълумот бердилар. Йиғилиш қатнашчилари ушбу масалани парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилишни таклиф этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақидаги ахборот ҳам тингланди ва маълумот учун қабул қилинди.

Кенгаш ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг матбуот учун ахбороти

Тошкент шаҳри 2005 йил 12 март

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси IV моддага мувофиқ Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашув доирасида муҳокама ўтказиш учун 2005 йил 24 февралдан 12 мартга қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси жаноб Жон Вейкман-Линн раҳбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХВЖ миссияси 2004 йилдаги иқтисодий ривожланиш масалалари ва 2005 йил ҳамда ўрта муддатли истиқболга прогнозларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг иқтисодий ислоҳотлар дастурини муҳокама қилди.

Миссия қайд этадики, умуман 2004 йилги иқтисодий кўрсаткичлар жуда яхши бўлган, ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоиз, олтин-валюта заҳираси 30 фоиз, экспорт 30 фоиз ортгани ҳисобига савдо балансида 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилгани бундан далолат беради. Бу натижаларга ҳукумат ХВЖ Битимларга моддаларининг VIII моддасини имзолагандан сўнг сўмнинг конвертация қилиниши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жадаллаштирилгани туфайли эришилди.

Миссия Президент Ислом Каримов томонидан 2005 йил январда илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли дастурни юқори баҳолайди. Мазкур дастур иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутади. Ушбу дастурнинг асосий устуворликлари хусусийлаштириш кўламини кенгайтиришдан, хусусий бизнес ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялаш тизимини яратиш орқали унинг фаоллигини сезиларли даражада оширишдан, банк-молия тизими, уй-жой ва коммунал хўжаликни ислоҳ қилишни давом эттиришдан, шунингдек, солиқ қонунчилиги ва солиқ бошқарувини такомиллаштиришдан иборатдир.

Миссия таъкидлайдики, бу чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали, шунингдек, тузилмавий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан ширкатларни кескин тугатиш ва уларнинг негизида хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш, жамғариладиган пенсия тизимини амалга киритиш билан бирга Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ўрта муддатли прогнозларини анча яхшилаш имконини беради.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яқинда қабул қилинган тижорат банклари ўз корреспондент ҳисоб рақамларидан чекловсиз фойдаланишини, жумладан накд пул олишни таъминлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Бу накд пул танқислигига тўлиқ барҳам беради.

Миссия ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш юзасидан қатор тавсиялар берди. Жумладан, миссия ҳали мулкида давлат улуши мавжуд бўлган банкларни хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини, ички ва ташқи савдони янада эркинлаштиришни тавсия этди. Бу тавсиялар иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳукумат томонидан жиддий ўрганиб чиқилади.

Миссия самимий ҳамкорлик, самарали ва очиқ мулоқот учун ҳукумат органларига миннатдорлик билдирди.

ЎзХДП янгиликлари

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

2005 йил 14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раиси Аслиддин Рустамов бошқарган йиғилишда депутатлар Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилаётган қатор масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён этиб, фракциянинг нуқтаи назарини белгилаб олдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркиби тўғрисидаги масала депутатлар томонидан муҳокама этилиб, унинг лойиҳасини маъқуллашга келишиб олинди.

Шундан сўнг, фракция аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Муваққат регламенти лойиҳаси тўғрисида фикрлашдилар. Ушбу масала юзасидан фракция аъзоси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов ахборот берди. Фракция томонидан мазкур ҳужжат лойиҳаси бўйича бир неча таклифлар тайёрланиб, кўриб чиқиш учун киритилган эди. Депутатлар ушбу ва кун тартибига киритилаётган бошқа масалалар юзасидан аниқ таклифлар билдирдилар ҳамда уларни муҳокама жараёнида ҳимоя қилишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

FILA

ТОШКЕНТ — ПОЛВОНЛАР ПОЙТАХТИ

«Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин кураш бўйича Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Нуфузи жиҳатидан жаҳон ва олимпиада ўйинларидан кейин турадиган ушбу мусобақада Украина, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Куба, Эрон ва Ўзбекистон полвонлари гиламга чиқдилар

4-бет



М.АМИН, С.ЎРМОНОВ олган сурат

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Халқ демократик партияси ҳаётидан

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасида «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатлар таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади» дейилган. Партия гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатлари қонунда белгилаб қўйилган. Унга кўра, партия гуруҳлари сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш, масалалар юзасидан сўзга чиқиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга ва бошқа давлат органлари раҳбарлари, ҳокимлар, ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик бўлимлари ва тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш, сессияларда муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш, давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш киради.

Кўриниб турибдики, бу ҳуқуқ ва ваколатлар маҳаллий Кенгашларга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташаббускор гуруҳлардан сайланган депутатларнинг якка тартибда эмас, балки уюшган ҳолда, устувор йўналишларини белгилаб, мавжуд кучларини уларнинг ечимига қаратишлари учун катта имконият яратади.

Мисол тариқасида депутатлар гуруҳининг сессия кун тартибини тузишдаги иштирокини олсак. Агар гуруҳнинг ташаббуси билан тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммо атрофлича ўрганилса ва сессия муҳокамасига киритилса, қабул қилинадиган ҳужжат муаммо ечимига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Яна бир масала — тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этишдир. Ободончилик ёки йўл қурилиши, сув, газ ва канализация қувурлари ўтказиш ёинки коммунал хизматлар учун тўловларга оид масалалар юзасидан тегишли раҳбарнинг ахбороти тингланганидан сўнг депутатлар унга тўғри баҳо берадилар. Муаммоларнинг ечимини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилинади.

Шундай экан, ХДПдан номзодлари кўрсатилган турли даражадаги депутатлар гуруҳлари, партиянинг Сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларининг устувор йўналишларини белгилаб олсалар, масалаларни ечишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб, депутатлар гуруҳлари аъзоларидан масъуллар белгиласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи 2005 йил иш режасига қатор масалаларни киритди. Хусусан, вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларни кўриб чиқиш, Тошкент вилояти туман ва шаҳарларида «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг бажарилиши ва уларда ХДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки, ЎзХДПнинг Сайловолди Платформасида кўзда тутилган масалаларнинг бажарилиши, Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқа масалалар. Шунингдек, зарурат бўлса ушбу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини сессия қатнашчилари эътиборига тақдим этиш, ХДПдан сайланган депутатларнинг депутатлик вазифаларини бажаришлари борасидаги ахборотларини мунтазам тинглаш ҳам режалаштирилган.

Депутатлар гуруҳлари фаолияти ҳақида сўз борар экан, фикримча, фақат халқ депутатлари тегишли Кенгашлари миқёсида тузиладиган депутатлар гуруҳлари билан чегараланиб қолмасдан, депутатларнинг ҳудудий гуруҳлари тузилса, бу ҳам ўзининг ижобий натижасини беради. Таклифим шуки, Қонунчилик палатаси депутатлари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига бошчилик қилиши зарур. Худди шундай, Қонунчилик палатасига ХДПдан депутат сайланмаган ҳудудларда, вилоят Кенгаши депутатлари ўз сайлов округида сайланган халқ депутатлари қуйи Кенгашлари депутатлари билан гуруҳ тузиб, уларга бошчилик қилиб борсалар, биргаликда ушбу ҳудудда мавжуд муаммоларни ечишга ҳаракат қилсалар, бу ўзининг ижобий натижасини бериши муқаррар.

Депутатларнинг ҳудудий гуруҳлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари томонидан ташкил этилиб тасдиқланса, амалдаги қонунларга зид бўлмайди.

Бугунги кунда барча даражадаги янги сайланган депутатлар сайловолди учрашувлари жараёнида сайловчилар томонидан берилган таклифлардан келиб чиқиб, тузилган иш режалари бўйича аниқ ишларга киришдилар. Ҳаракатларимиз натижаси эса кўп жиҳатдан ўзаро уюшқоқлигимиз ва фаоллигимизга боғлиқ.

Сирожиддин АЪЗАМОВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатлар гуруҳи раиси, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби

Бугун — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни

КОММУНАЛ ХИЗМАТ — ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида мазкур соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар ва ечимини кутаётган муаммолар хусусида

Мамлакатимиз Президенти шу йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказган йиғилишда шундай деди: **«Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, авваломбор, иккита нарсани талаб қилиш керак.**

Биринчи талаб — ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг хаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номақбул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

Иккинчи масала — ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни «компетентность» дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш — бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак».

Юртбошимиз мана шу икки талабга ҳукумат аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари билан бир қаторда қуйи бўғин раҳбарлари ҳам жавоб бериши шарт эканлигини алоҳида уқтирдилар.

Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кадрларга нисбатан талабчанлик оширилди. Буни биргина Қўнғирот тумани мисолида яққол кўриш мумкин. Туман аҳолиси 113 минг 250 нафар бўлиб, 67 минг 900 нафар аҳоли шаҳарда яшайди. Устюрт ясси тоғлари ва жанубий Орол этакларида ер ости бойликларини ўзлаштиришда, янги қўшма корхоналар ташкил қилишда саллмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахта, буғдой, шоли етиштириш шартномавий режалари ошириб бажарилмоқда.

Қўнғирот шаҳрида ободонлаштириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашга бор имкониятлар сафарбар қилинаяпти. Бу соҳада «Устюртгаз» бошқармаси, Қўнғирот темир бетон буюмлари масъулияти чекланган жамияти, «Устюртгаз» қурилиш корхонаси, 8-сон фуқаролар қурилиш дистанцияси, «Қўнғирот» очиқ акциядорлик жамияти, минтақавий темир йўл узели каби ўнлаб корхоналар, муассасалар ҳомийлик кўрсатиб келишаётир. Бироқ тан олиш керак, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Ширкатимиздаги 6 та икки қаватли ва 11 та тўрт қаватли уй-жойларда 672 оила яшайди, — дейди **«Колпино» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Абатбай УТЕЎЛИЕВ.** — Уларнинг 15 таси 1991 йилдан олдин, 2 таси 1991 йилдан кейин қурилган. Шу йилнинг 1 январигача биноларнинг ташқи деворлари, йўлкалари капитал таъмирдан чиқарилди...

Раис айтган уйлардаги хонадонларда бўлдик. **«Қорақалпоғистон» кўчаси,** тўрт қаватли **71-уйнинг биринчи хонадонига кириб, унда яшаётган Бахт Ўтарова** сўзини ти... Баъзан умуман йўқ.

— Ширкатимизда 510 та хонадон бор, — дейди **«Валиматериал» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Қўйатбой АБДИРАСУЛОВ.** — Кўп қаватли уй-жойларнинг 22 таси пишиқ ғиштдан қурилган бўлса-да, таъмирга муҳтож. Ўтган йили 5 та уй-жойнинг ташқи томони таъмирига киришгандик, ҳалигача тугатолмадик... Канализациянинг 40 метри янги қувурлар билан алмаштирилди. 40 та хонадонда сув иситиш асбоблари ишлаб турибди. Сув етишмаслигидан 470 хонадонда сув иситиш асбоблари олиб ташланган...

Камаладдин ГАЮПОВ, «Коммуналник» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

— Ширкатимиздаги 5-уй канализацияга уланмаган. Умуман ҳудудимиздаги барча уй-жойларда лойиҳа смета бўйича иссиқ сув билан таъминлаш кўрсатилмаган. **Шаҳарда санитария ҳолатини яхшилаш учун имкониятлар етарли эмас. Махсус техника воситалари ва зарур механизмлар олиш учун лизинг йўли билан ёрдам кўрсатилса, яхши бўларди.**

— Ҳамма ширкатлардаги каби камчиликлар, етишмовчиликлар бизда ҳам бор, — суҳбатимизга қўшилди **«Газчи-гулхани» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Оролбой МАМБЕТСАПАЕВ.** — 5 та уйнинг сиртқи девори, йўлаклари, дераза-эшиклари, 260 метр водопровод линияси капитал таъмирдан чиқарилиб, битта гараж иморати, 2 та чиқиндихона сингари объектлар қурилиши битиш арафасида. **Аммо, чиқинди ва ахлатларни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлаш қийин бўлаяпти. Шу сабабдан коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар зарур транспорт воситалари сотиб олишлари учун кам фоизли кредитлар бериш масаласини ҳал қилиш керак.., деб ўйлайман.**

Суҳбатдошларимиз гапсўзларидан маълум бўлдики, туман марказий канализациясининг узунлиги 5 километрдан узунроқ. Улардаги қувурлар эскирган, тез-тез тешилиб туради. Алмаштириш учун эса маблағ керак. Умуман, **марказий канализация тармоқларини кенгайтириш ишлари бюджет ҳисобидан бажарилмаса, маҳаллий маблағ ҳисобидан адо этилиши муаммо...**

Ўйлаймизки, туман раҳбарларининг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилашга қурби етади. Бунинг учун ишга юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишида сўзлаган нутқидаги иккита талабдан келиб чиққан ҳолда ёндошмоқ керак, холос. Шундагина, коммунал хизматга бўлган эътибор соғлиғимизга бўлган эътибор бўлиб, биз ўз соғлиғимизни қадрлаган бўламиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

СОҒЛОМ ТАФАККУР СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ДЕМАКДИР

Гиёҳвандни бу фожиали йўлдан қайтаришдан кўра, гиёҳвандликнинг олдини олиш минг карра осон.

Бунинг учун фақат мутахассислар эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси, каттакичик, ҳар бир фуқаро ёш авлод тарбиясига бефарқ қарамаслиги лозим.

Ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан саломат ўсишидан, бутун халқимиз, давлат ва жамоат ташкилотлари манфаатдордир. Зеро бу, юртимизнинг келажаги, ватанимиз тақдири билан боғлиқ масала. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларни комил инсон сифатида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Партиянинг Сирғали туман кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар ва шаҳардаги барча туман кенгашлари ҳамкорлигида «Наврўз» мажмуасида «Соғлом тафаккур — соғлом келажак демакдир» деб номланган катта шоу бўлиб ўтди. Гиёҳвандликка қарши курашга бағишланган бу тадбирда туман кенгашлари қошидаги ёшлар марказларининг аъзолари, талабалар, партияга хайрихоҳ ёшлар ҳамда партия ташкилотлари раҳбарлари, ички ишлар ходимлари, спортчилар, санъаткорлар иштирок этишди.

— Соғлом авлодни тарбиялаш учун аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш керак, — деди ХДП Тошкент шаҳар кенгаши котиби Виктор Медведев. —Давлатимиз томонидан бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳали муаммолар кўп. Гиёҳвандлик иллати ва унинг зарарли оқибатлари бутун дунё халқларини ташвишга солмоқда. Биз ўзимизни ана шу офатдан асрашимиз керак.

— Гиёҳванд моддаларга ружу қўйиш жуда осон, — деди нарколог Зафар Отабоев. — Баъзи ёшларнинг сигарет, нос чекиб, спиртли ичимликлар ичиб юрганларини кўрасиз. Гиёҳвандлик ҳам шундай бошланади. Чунки у бошланишида инсонга ҳузур бағишлайди, аммо маълум вақт ўтгач, бу ҳузурнинг охири ўлим, фожиа билан якунланади.

Яқинда тўй арафасида турган ёшгина, чиройли бир қизни текширувдан ўтказганимизда, унинг гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши аниқланди. Натижада тўй бузилди, не орзу-умидлар билан қиз ўстираётган бечора ота-онанинг аҳволини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Севиб турмуш қурмоқчи бўлган йигит-чи...

Гиёҳвандликка одатланган инсонни бу ботқоқдан қутқариб олиш жуда қийин. Уларда ОИТС ва бошқа касалликлар тез авж олади. Баъзи ёшларда тўйдан 10-15 кун аввал орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллиги вируси борлиги аниқланади. Ўзингизга маълум, бунинг ҳам охири ўлим.

Бундай дардга дучор бўлмаслик учун аввало, ўзимизни тийишимиз, асрашимиз керак. Тўрт мучанг соғ бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришга не етсин. Акс ҳолда, одамга ҳаётнинг бошқа лаззатлари татимайди.

— Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган кишилар жуда устаси фаранг бўлади, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Искандар Расулов. — Улар иложи борича бой хонадон фарзандларини ўзига тортишни истайди. Дастлаб уларга илтифот кўрсатган бўлиб, бу моддалар текинга берилади. Истеъмол қилишни хоҳламаса «дўстона» илтифот қилишади. Икки-уч марта татиб кўргандан сўнг уларнинг ўзлари излаб келаверишади...

2004 йилда гиёҳвандлик туфайли жиноят содир этганлар орасида 6 нафар коллеж талабаси ҳам бор. Жиноятчилар бу ёшлардан ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаланмоқчи бўлишган. Уларнинг аччиқ қисмати бошқа ёшларга сабоқ бўлиши керак.

Шундан сўнг таэквандо бўйича жаҳон чемпиони Фахриддин Умаров ва унинг шогирдлари, таэквандо ITF бўйича Ўзбекистон чемпионлари ва халқаро турнирлар ғолиблари Фарҳод Рустамов, Аъзамжон Ажибеков, Гулмира Айтбоева, Гулмира Мансуровларнинг чиқишларини ёшлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуджон Азимов, Илҳом Фармонов, хонанда Отабек Мадраҳимовлар ижро этган куй-қўшиқлар даврага файз бағишлади. Шунингдек, ёшлар актёрлар Лутфилла Саъдуллаев, Фатхулла Маъсудовлар билан ҳам учрашдилар. Бу санъаткорлар томонидан суратга олинган гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳаётий фожиалар акс этган «Мунис онам», «Меҳрибонгинам» фильмларидан парчалар томоша қилдилар.

Бундай тадбирларни ХДП фаоллари, шифокорлар, ички ишлар ходимлари, спортчилар, санъаткорлар иштирокида жойларда давом эттиришга келишиб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ

«БАЛОҒАТ БЕКАТИ»

Наманган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг нашри — «Диёнат» газетаси болалар ва ўсмирлар учун алоҳида илова чиқармоқда

«Яхши тарбия келгусидаги қувончларимиз, ёмон тарбия аччиқ кўз ёшларимиздир». Бу пурмаъно сўзлар халқимизда фарзандлар тарбиясига азалдан нечоғли катта аҳамият берилишини ифодалайди. Руҳий, биологик, жисмоний-физиологик ўзгаришлар силсиласида кечадиган болалик ва ўсмирлик даври ҳар бир кишининг шахс сифатида шаклланиши ва жамият ҳаётига фаол аралашуви учун катта ҳаёт ўртасидаги кўприкдир.

«Диёнат» газетаси ижодий жамоасининг бу саъй-ҳаракати миллий истиқлол мафкурасининг комил инсон ғояси ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг амалий ижроси билан ҳам уйғун.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти сари дадил қадам қўйилаётган бир даврда ҳуқуқий билимларни болалар ва ўсмирлар ўртасида янада кенг тарғиб этишни мўлжаллаган наманганлик ҳуқуқ тизими журналистларининг бу иши эътирофга арзирли.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Наманган. Норин туманидаги Чангитма қишлоғида «AQUA» салқин ичимликлар корхонаси иш бошлади. Ҳозирча бу ерда иш бир сменада олиб борилаяпти. Кунига 60 минг донадан зиёд салқин ва газланган ичимликлар турли ҳажмли идишларга қадоқланиб, истеъмолчиларга пешма-пеш жўнатилаяпти. Келгусида корхонада иш икки сменада ташкил этилади. Демак, ишчи-хизматчилар сони ортиши билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади. Ҳозир қишлоқ аҳолисидан 12 киши янги иш ўринлари билан таъминланди.

Суратларда: корхонанинг илғор ишчиси Нигора Мўминова; сув қадоқлаш цехи.

Ш.МУНАВВАРОВ олган суратлар

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҲИМОЯЛАНГАН

БОРДИЮ, У ЁКИ БУ КЎРИНИШДА БУЗИЛГАН ТАҚДИРДА ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ

Ҳаммамиз ҳам қайсидир маънода истеъмолчимиз. Биримиз дўкондан харид қиламиз, бошқамиз... Сотиб олган нарсамиз сифатсизроқ чиқса, ёхуд истеъмол учун яроқсиз бўлса-чи? Бундай пайтда «шу эканда, на илож» деб елка қисиб кетаверсак тўғри бўладими? Йўқ, албатта. Чунки, истеъмолчи сифатида сизу бизнинг манфаатларимизни ҳимоялайдиган қонунлар бор. Аввало, бу ҳужжатлардан ҳар қайсимиз муайян даражада хабардор бўлмоғимиз, агарда шундай салбий ҳолатлар рўй берган тақдирда тегишли жойларга мурожаат қилиш тартибини билмоғимиз керак.

Кундалик фаолиятимиз давомида истеъмолчи сифатидаги манфаатларимизнинг бевосита ёки билвосита бузилиши, натижада мутахассисларимизнинг аралашуви билан қонуний тарзда тикланишига алоқадор кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Айтайлик, Жиззах шаҳридаги «Жиззахдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Заргарлик» нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида сотилаётган қолипли нон маҳсулотлари учун истеъмолчиларга касса чеки берилмаётганлиги аниқланган эди. «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабига асосан бошқармамизнинг 2004 йил 13 декабрдаги қарорига биноан очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима қўлланилди.

Якунланган йилда ҳаммаси бўлиб, 78 ҳолатда корхона ва ташкилотларга юқоридаги қонун талабларининг у ёки бу даражада бузилаётганлиги юзасидан ёзма кўрсатмалар киритилди ва уларнинг ижросини таъминлаш тадбирлари кўрилди. Ёки Пахтакор туманидаги «Дилшод» хусусий дорихонаси билан «Бинафша» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси томонидан маҳсулотларни сотиш жараёнида истеъмолчиларга бирида 4,96 минг сўм, иккинчисида эса 64,6 минг сўм ортиқча ҳақ олинганлиги маълум бўлди. Натижада ушбу дорихона ва савдо ишлаб чиқариш корхонасида истеъмолчи манфаатларига беписандларча муносабатда бўлинаётганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий чоралар қўлланилди.

Ўтган йили ижтимоий истеъмол аҳамиятига эга бўлган товарларнинг баҳоланиши юзасидан жами 252 та мониторинг-кузатувлар ўтказилди. Шундан 20 таси савдо шахобчаларида, 25 таси бозор ва дўконлар фаолияти бўйича бўлди. Натижада 13 та хусусий тадбиркорнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконларида истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари бузилаётганлиги аниқланди. Масалан, якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хусусий тадбиркор Г.Кабировага қарашли озиқ-овқат дўконида 17826 сўмлик яроқлилик муддати ўтган маҳсулотлар сотувга қўйилганлиги учун жарима чораси қўлланилди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғриси»даги амалдаги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда 2004 йилда ҳудудий бошқармамиз томонидан жами 26 та ариза кўриб чиқилди. Жиззах шаҳрининг Ҳамид Олимжон маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро О.Аҳмедовнинг аризаси шуларнинг биттасидир. У хонадонидаги табиий газ тўловларига аниқлик киритиш учун «Жиззахгазтаъминот» корхонасининг шаҳар филиалига борганида хонадонга газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатганга қадар табиий газдан қарзи борлигини айтишади. Лекин фуқаро хонадонига газ ҳисоблаш ускунаси кўрсаткичи бўйича назоратчи А.Жияналиевга 3200 сўм тўлаганлигини маълум қилади. Афсуски, ушбу тўланган пул филиал хазинасига топширилмаган экан. Мазкур муаммога аниқлик киритиш учун фуқаро О.Аҳмедов бошқармамизга мурожаат қилди. Аҳвол жойида ўрганилганда 14392 сўм нақд пул тўлов ҳужжатларига асосан истеъмолчининг фойдасига ҳал этилди.

Кўриниб турибдики, истеъмолчи сифатида манфаатларингиз у ёки бу даражада бузилган тақдирда, ишончингиз комил бўлсинки, у қонун йўли билан ҳимояланади.

Носирхон БОТИРОВ,
Жиззах вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 15 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	852,34	1 Малайзия рингги	283,25	1 ЕВРО	1447,15
1 Англия фунт стерлинги	2069,41	1 Польша злотийси	367,36	10 Жанубий Корея вони	10,75
1 Дания кронаси	194,40	1 СДР	1656,22	10 Япония иенаси	103,05
1 БАА дирхами	293,02	1 Туркия лираси	844,04	1 Россия рубли	39,19
1 АҚШ доллари	1076,19	1 Швейцария франки	934,68	1 Украина гривнаси	203,17
1 Миср фунти	185,71				
1 Исландия кронаси	18,36				
1 Канада доллари	892,66				
1 Хитой юани	130,03				

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

XORIJDA

Сайловнинг иккинчи тури якунланди

Қирғизистонда парламент сайловининг иккинчи тури якунланди. Қирғизистон Республикаси марказий сайлов комиссиясининг маълум қилишича, сайловчиларнинг 51 фоизи овоз беришда иштирок этган.

Сайлов комиссияси вакиллари сайлов натижалари қониқарли бўлганини айтишди. Бироқ мухолиф гуруҳлар бу гал ҳам қонунбузарликлар рўй берганини таъкидлашмоқда.

Биринчи турда бўлгани каби овоз берган ҳар бир шахснинг бош бармоғига махсус сиёҳ суртилди. Бу америкача усул бир одам томонидан қайта овоз беришга йўл қўймаслик учун қўлланилди.

Кузатувчиларнинг фикрича, мамлакатда бозор иқтисодиётига доир ислоҳотларнинг қай даражада амалга оширилиши айнан шу сайлов натижаларига боғлиқ бўлади.

ГОНГАДЗЕ ИШИ ВА ИККИ ПРЕЗИДЕНТ ШАЪНИ

Бугунга келиб беш йил олдин ўлдирилган журналист Георгий Гонгадзе ишида яна кўп саволлар юзага чиқди. Президент Юшченко жиноят очилганлигини маълум қилиб улгурмасдан Гонгадзе иши бўйича энг асосий гувоҳ бўлган Украинанинг собиқ ички ишлар вазири Юрий Кравченко ўз жонига қасд қилди. «Гонгадзени ким ўлдирган?», деган савол ёнига «Юшченкони асосланмаган баёнот беришга ким мажбур қилди?», саволи келиб қўшилади.

Собиқ президент Леонид Кучма сиёсатига танқидий назар билан ёндашган «Украина ҳақиқати» интернет нашри муҳаррири Георгий Гонгадзе 2000 йилнинг сентябрь ойида ғойиб бўлган. Орадан бир ой ўтгач, унинг бошидан жудо қилинган танаси Киев яқинидаги Тарашча шаҳарчасидан топилди. Шу пайтнинг ўзида Украина социалистлари етакчиси Александр Мороз майор Мельниченкода қандайдир плёнкалар борлигини маълум қилди. Аниқланишича, Леонид Кучманинг собиқ қўриқчиси майор Мельниченко президент хонасидаги гапларни хуфёна ёзиб олар экан. Ёзиб олинган плёнкада президентнинг «Гонгадзе билан ҳисоблашиш кераклиги» ҳақидаги гаплар қайд этилган. Ўша пайтда ички ишлар вазири бўлган Кравченко «Гонгадзе масаласида иш бошлаганлигини ва бу ишни «ишончли одамлар» олиб бориши»ни айтади. Ушбу плёнка омма эътиборига тақдим этилгач, мамлакат бўйлаб «Кучмасиз Украина» намойишлари бўлиб ўтди. Журналистнинг жасади ҳали ҳам дафн этилгани йўқ.

Президент Юшченко ҳали сайловлар пайтидаёқ Гонгадзе ишини охирига етказиш менинг бурчим деб таъкидлаган эди.

Унинг маълум қилишича, Гонгадзе ҳаётининг охирги соатларида у билан бирга бўлган уч нафар милиция ходими шу кунларда сўроқ қилинмоқда. Айбланувчиларнинг яна бири генерал Пукач айни пайтда қидирувда. Украина халқи журналист ўлимига тааллуқли дахшатли тафсилотларнинг гувоҳи бўлди. Журналист ўлдирилган тунда у такси тўхтатган. Такси эса аслида милиция машинаси бўлган. Машина ҳайдовчиси олдинги ўриндиқ бузуқлигини айтиб, орқага ўтиришни таклиф қилди. Георгий орқа ўриндиққа ўтиргач, машинага яна учта одам ўтириб олади. Журналистни Киевдан ташқарига олиб чиқишиб, бўғиб ўлдиришади. Кейин эса жасаднинг боши танасидан жудо қилинган. Жасад устидан бензин қуйиб ёқиб юборишади, бироқ у ёнмайди. Гонгадзенинг боши қаердалиги ҳалигача номаълум. Бу терговнинг охирги тахмини. Бундан олдин журналистни тўппонча билан қўрқитишмоқчи бўлишган, бироқ тўппонча беҳосдан отилиб кетган ва журналист ўлимига сабаб бўлган деган тўхтамга келинган эди. Украинанинг бош прокурори Святослав Пискун жиноят қасддан амалга оширилган деб ҳисобламоқда. У матбуот конференциясида собиқ ички ишлар вазири Кравченко сўроқ қилинадиган кунни маълум қилганди. Бироқ сўроқ жараёнига бир неча соат қолганда собиқ вазирнинг жасади уйидаги гараждан топилди. Жасад ёнида тўппонча ва хат бўлган. У хатда айбсизлиги ва Леонид Кучманинг сиёсий ўйинлари қурбонига айланганини ёзган. Расмий тахминга кўра, Кравченко бошига икки маротаба ўқ узиб, ўз жонига қасд қилган.

Асосий гувоҳ — Кравченконинг ўлими тергов жараёнини қийинлаштириб қўйди. Шунингдек, у Украинанинг янги ҳукумати обрўсини оширмайди, албатта. Бундан ташқари, янги ҳукумат бош прокурор Пискунни вазифасида қолдириб, ўз қаторларини аввалги кадрлардан тозалаш ҳақидаги ваъдасини бажармаган бўлади. Президент Юшченко Кравченко ўлими муносабати билан С.Пискунни вазифасидан озод этмаслигини маълум қилди.

Ҳалок бўлган журналистнинг онаси Леся Гонгадзе бош прокуратурани судга бериш ниятида. Унинг айтишича, орқасидан кузатув ўрнатилганлигини сезган Георгий бош прокуратурага ариза ёзган. Бироқ ариза жавобсиз қолди, журналист эса ғойиб бўлди.

Украинанинг собиқ президенти Леонид Кучма ҳам Гонгадзе иши бўйича сўроқ қилинди. У «Худо ва Георгий олдида» виждони тоза эканлигини маълум қилди.

Людмила ПУСТЕЛЬНИК,
Киевда чоп этиладиган «Украина» журналининг халқаро ахборот бўлими мудири «Ўзбекистон овози» учун махсус тайёрлади

Бош қўмондон тайинланди

Хитой парламенти бўлмиш Умумхитой халқ вакиллари йиғини мамлакат етакчиси Ху Цзиньтаони қуролли кучлар бош қўмондони этиб тасдиқлади.

Ху Цзиньтаогача Ҳарбий ишлар бўйича комиссия раиси лавозимини ХХРнинг собиқ етакчиси Цзян Цзэминь эгаллаганди.

78 ёшли Цзян ҳарбий ваколатларни Ху Цзиньтаога бериш билан 2003 йилдан бери чўзилиб келаётган ҳукуматни топшириш жараёнига чек қўйди.

Энди 62 ёшли Ху давлат, компартия ва ҳарбий кучлардаги барча юқори лавозимларни эгаллайди.

«Мисс Европа-2005»

Шермин Шахривар исмли Германия вакиласи «Мисс Европа-2005» танловининг ғолиби бўлди. Немис, француз, инглиз ва форс тилларида бемалол гаплашувчи 22 ёшли бу қиз университетни тамомлаган.

Ундан кейинги ўринни арманистонлик 19 ёшли Юся Товмасян қўлга киритди. Танловнинг бошқа совринларига Франция, Словакия ва Англия вакилалари сазовор бўлишди.

Париждаги Спорт саройида бўлиб ўтган танловда дунёнинг 36 мамлакати вакилалари қатнашди.

Турар-жойлар олиб кетилади

Исроил ҳукумати охирги тўрт ярим йил давомида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида қурилган 24 та яҳудийлар турар-жойларини олиб кетишга қарор қилди.

Бундан ташқари Исроил Вазирлар Маҳкамаси Ғарбий қирғоқда ғайриқонуний турар-жойлар қурилишида қатнашган шахсларга доир айбловларни текшириб чиқишини маълум қилди.

Ўзбек эстрадаси ўзининг миллий анъаналарига эгалиги, Ботир Зокировдан сўнг, Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Мавлуда Асалхўжаева, Сафия Сафтарова, Козим Қаюмов каби ўнлаб санъаткорларимиз бу жанрни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани ҳаммага маълум. Улар изидан кўплаб ёшлар етишиб чиқаяпти.

Афсуски, улар орасида юзаки, чучмал, ғоясиз, мантиқсиз «қўшиқ»лар айтиб, эстрадамиз нуфузига путур етказаётганлар ҳам бор. Энг ташвишли томони шундаки, бундай «қўшиқ»лар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, уларда эстрадага, умуман, қўшиқчиликка нисбатан нотўғри фикр уйғотмоқда.

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон телевидениеси ва «Ўзбекнаво» эстрада-концерт бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда соҳа мутахассислари, журналистлар, шоир ва бастакорлар «бугунги кунда миллий эстрада қўшиқчилиги, аҳволи, унинг миллат маънавиятига, хусусан, ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири» хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Ушбу тадбирда эшитганларим, ўзимнинг айрим кузатишларим асосида бугунги эстрада қўшиқчилиги ҳақида ўйлаб юрганларимни газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқчиман.

Ҳозирги кунда 32000 нафар қўшиқчи бор экан. Энг қизиғи, буларнинг деярли ҳаммаси ўзини юлдуз ҳисоблайди. Қўйиб берсангиз, ҳаммаси ўз яккахон концертини қўйгиси келади. Тўғри, бунинг ёмон томони йўқ, лекин аввало бунга тайёр бўлмоқ керак. Илгари машҳур қўшиқчилар узоқ тер тўкишар, пишиқ тайёргарликлардан сўнг бунга журъат қилишарди. Ҳозир-чи? Афишаларни кўриб ҳайрон қоласан киши, кўпчиликка ҳали таниш бўлмаган қўшиқчилар концерт қўйишяпти. Қўшиқлар ҳам қўшиққа ўхшамайди. **«Сени севаман ёр, сени севаман фақат, Оллоҳим муҳаббатимдан айирма»** дея муножат этса, бирида **«Куну тунларимнинг йўқдир маъноси, Ҳаётда сенсиз яшашнинг йўқдир фойдаси...»** дея фиғон қилади. Айрим «қўшиқ»лар эса мутлақо тушунарсиз. Масалан:

Баландда пастда,
Ҳаёт ачиганда (?)

«Шоҳрух»

Таки-таки дум-дум,
Уринг ноғоралар бум-бум.

«Фазо»

Энди ўйлаб кўрайлик, бундай тушунарсиз, мазмунсиз оҳ-воҳлар халққа, ёшларга нима беради?

Назаримда, бундай қўшиқчилар китоб ўқишмайди, замонавий ўзбек шеъриятидан бехабар. Қизиғи шундаки, бунақа тоифадаги «қўшиқчи»лар ўзларига ўхшаган «шоир»ларни дарҳол топиб олишади.

ҚЎШИҚ — МАЪНАВИЯТ МЕҲВАРИ

ЁКИ СОХТА ШОИРЛАР ВА ҚЎШИҚЧИЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Мана, уларнинг ёзганлари:

...Ёмғирларда севишганлар
қўл ушлашиб юришар,
Висол онларига етиб
дийдорларига тўйишар.
Севги қадрин билганлари
бахту иқболи кулар,
Кимки севгисини хор қилса
ёр меҳрига зор бўлар.

(Ҳамробек Сиддиқов шеъри, Алишер Отажонов ижро этган).

Бу сатрларни қандай қилиб шеър дейиш мумкин? Бирор-бир маъно-мақсад, бадиийликдан дарак борми бу айқаш-уйқаш сўзларда?

Бахтга етишмоқ осон эмас,
У ҳечам бут бўлмас (?)
Бу дунё тилини ҳеч кимса билмас.
Сендан илтижо ҳаёт меҳринг
аяма ҳеч кимдан...

(Шаҳноз сўзи, Жаҳонгир ижро этади)

ёки

Зор айладинг севгимни,
Мени алдаб бағритош.
Ўзгага ёр бўларсан,
Ботар қалбимда қуёш.

(Арслон Карим шеъри, Манзура мусиқаси)

Муносабат

Бу каби чучмал, «жўқи» сатрлар, ёлғон оҳ-воҳлардан тизилган «шеър»лардан қанақа қўшиқ чиқиши мумкин?! Мана, яна битта мисол:

Ёнгинамда зор бўлиб ёр,
Ўзгани сурма хаёл.
Атрофимдан айланиб ёр,
Бошқага ўргилма зор.

Эркалама алдаб яна,
Силамагин сочларим.
Бечора ёр сен учун,
Тўкилмайди ёшларим (?)

(Тоҳир Холмуҳаммедов шеъри, Гули Асалхўжаева ижро этади)

Бу бечора «ошиқ» нима демоқчи, нима истайди ўзи, тушуниш қийин...

Бунча нозли вой-бўй,
Бунча қадди хушрўй.
Васлига етмоқ учун
Қўй сўйиб берай тўй (?)

деган сатрлар бор Умаржон Маҳкамбоев ижро этган бир қўшиқда. Қўшиқ халқ термаларидан олинган эмиш. Филология фанлари номзоди Сувон Мелиев таъбири билан айтганда «ўз нотавонлигимизни халққа тўнкамайлик». Ёмон одат пайдо бўлган — сўзлари сал бўш ё бетайин бўлса, фольклор, халқ сўзи ё термалари ёрлиғини ёпиштиришади.

Очиқ айтадиган бир гап бор. Қўшиқчиларнинг аксарияти, айнан ёшлар халқ маънавиятини юксалтириш ўрнига, ерга ураяптилар. Нозиктаъблик ва дидга путур етяпти... Йўқ, ҳозир бундай мезонлар аҳамиятсиз бўлиб қолди. Муҳими, қўшиқ «шлягер» (оммалашган) бўлса бўлди!?

Дарвоқе, матнларни ким ёзаяпти, дерсиз? Ҳар бир овоз ёзиш студияси ўз «шоир»ига эга. Қандай буюртма бўлса, ўшандай қилиб ёзиб беради. Савод-савияси ҳамин қадар қўшиқчилар худди шундай «шоир»га буюртма беради: «Қўшиқда мана шундай, фалон-фалон сўзлар бўлиши шарт. Акс ҳолда меҳнатингизга куйиб қоласиз...».

Мақсад — тўй қўшиқлар, тўйда айтиладиган қўшиқлар кўпайиши керак. Ана, гап қаерда! Мусиқаси яхши бўлса-да, аслида бемаъни бўлган қўшиққа биров эътибор берармиди. **«Сочимдан кўп ошиғим — сен бўлмасанг бошқаси...»** дея аёл киши куйласа қайси тингловчи (тўйда) бефарқ ўтира олади. Аммо санъат фақат тўйдан иборат эмас. Кунига «бирров» 7-8 та тўйга боришни билган машҳур қўшиқчи миллат маънавиятини ҳам ўйласин-да...

Клипларнинг баъзи бирлари бемаъни, бачкана ва аянчли бир-бирига ўхшаш, мазмунан бир-бирини такрорлайди ҳам: ...Йигит ўз севганига эмас «ноилож» бошқасига уйланади. Хотини билан машинада кета туриб беҳосдан севгилисини туртиб кетади, (тасодифни қаранг) кейин машинадан туша солиб ўз-ўзини юмдалай кетади. Ёки йигит гоҳ униси билан, гоҳ буниси билан муносабатда намоён бўлаверади. Бу нима дегани? Томошабинга булар нима бера олади?

Қўшиқ инсонни эзгуликка чорловчи бебаҳо тарбия воситаси, қўшиқ маънавият меҳвари. Унга муносабатда юзакичилик, масъулиятсизлик жуда қимматга тушади.

Илҳом КАРОМОВ

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ҲАЁТ ҚУВОНЧИ — ҲАЛОЛЛИКДА

Яқинда ишдан қайта туриб, одатдагидай бозор оралаб бораётсам, дарвоза олдида кўкат сотаётган ёшгина сотувчи: «Мана, шу кўкатларни олинг, арзон бераман, ола қолинг, болам билан шом тушмай, амаллаб уйга етиб олайлик, жон опа...» деб қолди. Беихтиёр аёлнинг каттакон кўкат тўла сумкаси ортида жовдираб ўтирган чамаси икки-уч ёшли болага кўзим тушди. Сотувчи ғалати бўлиб кетди, сўнгра: «Уфф, менга осон дейсизми, ёш боламни судраб, э, тақдир қурсин, опа, сиз барибир менинг дардимни тушунмайсиз... Э, энди нима фойда?» деди сал аламзадалик билан.

— Айтинг, дардингизни, балки тушунарман! — дедим, кўзмунчоқдай боласига қараб.

— Буни ҳеч кимга айтишни истамайман...

У барибир менга дардини айтди. Очиғи, аёлни изтиробга солган дард эмас, оддийгина тери хасталиги экан. Бир қарашда ҳаётда бундай воқеалар учраб туради, ажабланарли ери йўқдай.

Лекин нега бемор шунчалик изтироб чекяпти? Витилиго — терида оқ доғларнинг пайдо бўлиши қандай касаллик? Нега тери оқаради? Нега одамлар ундан бунча чўчийди? У юқумлими? Унинг давоси борми?

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дерматология, тери, тери-таносил касалликлари илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори Параҳат Менликулов Сайёрани (илтимосига кўра исмини алмаштирдик — С.С.) текширувдан ўтказди, зарур маслаҳатлар берди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили Давлат дастури тўғрисида» қарорида «...гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС тарқалишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни ташкил этиш» масаласига алоҳида урғу берилган. Зеро, тери, тери-таносил касалликлари Давлат дастурида махсус бандда таъкидлаб ўтилиши, бу дардни даволашга катта эътибор берилаётганини кўрсатиб турибди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотига кўра, 27 хил тери касалликлари жинсий йўл билан юқади. Тараққиёт илдамлаган сари касалликнинг янги турлари, яъни «янги авлоди», «иккинчи авлод касалликлари» пайдо бўляпти. У дунёда энг тез тарқаладиган касалликлардан бири ҳисобланади. Унинг тарқатувчиси ҳам, жабрланувчиси ҳам одамзотнинг ўзи.

Айтайлик, Қозоғистон, Қирғизистон, Россияда ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 1991 йилда зоҳм касаллиги 1,8 фоиз бўлган эди. 1997 йилда бу кўрсаткич 47,3 фоизга ўсди.

Бу ҳудудларда 1998 йилдан бери зоҳм, сузак каби ўта хавфли касалликлар сони ошган. Марказий Осиё ҳудудидаги аҳволга солиштирганда республикамиздаги кўрсаткичлар сезиларли даражада паст. Бир қарашда яхши. Лекин аслида-чи?

Институтимиз олимлари, мутахассислари гуруҳларга бўлиниб, 2003 ва 2004 йилларда республикамизнинг Асака, Олтиариқ, Музработ, Гулистон, Қизилтепа, Каттақўрғон, Хива туманларида етти кун давомида 5-6 минглаб, жами 34 минг нафар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Биз уйма-ўй, боғча, мактабларда бўлиб, одамларнинг турмуш шароити, атроф-муҳит, экология, овқатланиш маданияти, ёшлар гигиенаси, болалар спорти, оммавий спорт билан шуғулланиш каби омилларни ўргандик. Маълум бўлдики, аҳоли орасида аллергик, тери, тери-таносил касалликлари кўпаяяпти. Лекин касалларнинг ҳаммаси ҳам вақтида шифокорга мурожаат қилмайди.

Савол туғилади, хўш, вилоят, туманларда беморларни даволаш учун шароит ва махсус диспансер шифо масканлари борми? Биз тиббий кўрикдан ўтказган ҳудудлардаги касалларнинг 60-65 фоизи ўзлари истиқомат қилаётган жойларда бу муаммони ечиши мумкинлигини кўрсатди, 15-20 фоиз касаллар туман, 10-15 фоизи вилоят марказидаги диспансерларда бемалол даволанишлари мумкин. Беморларнинг 3-5 фоизини эса институтимиз клиникасига даволаш учун олиб келдик.

Мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, одатда тери касалликлари инсоннинг ички аъзоларидаги хасталиклар «даракчи»си ҳисобланади. Айниқса, аҳоли орасида руҳан толиқиш, тажанглик, ўзаро қўпол муомала, дилозорлик, ҳасад каби ўз-ўзини «ейиш», бўлар-бўлмасга жанжаллашиш туфайли турли неврологик-асаб касалликлари кенг тарқалган.

Витилиго — теридаги оқ доғлар (одамлар уни пес ҳам дейишади) умуман, бошқаларга юқмайди, зарари йўқ. Аммо кўпчилик ундан ниҳоятда чўчийди.

Мана, ҳозирги аёл — Сайёранинг қисматини қаранг. Отаси кўп ичган, онасини доим урган. Болаликдан у бундан қаттиқ изтироб чеккан, руҳан тушкунликка тушган. Натижада қизнинг баданида оқ доғлар пайдо бўлган. Турмушидан нолиб, сиқилиб юрган онасини ўйлаб, қизи унга дардини айтмабди. Севган йигити рози бўпти, унга эрга чиқибди. Аммо тўйдан сўнг чилласи чиқмасданоқ қайнонаси оқ доғидан хабар топиб, жанжал кўтаради. Оқибатда оила бузилган. Қишлоқдаги гап-сўзлардан, носоғлом муҳитдан безиб, 3 ойлик ҳомиласи билан бу ёқларга келиб қолган. У: «Қизалоғим ҳам пес бўлиб қолмасмикин» деган ташвишда. Йўқ, унинг қизида бу касаллик бўлмайди. Тўғри, баъзан оиланинг 2-3 нафарига бу касаллик ўтиши мумкин.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида, одамлар ўз соғлиғига масъуллигини оширса, иқтисодий аҳволини ҳам ҳимоялаган бўлади. Бу ҳақда ўйлаб, чуқурроқ мулоҳаза қилиш мақсадга мувофиқ. Яна бир ташвишли томони, жинсий заифлик касаллиги тобора «ёшариб» боряпти, сабаби яна шу — аҳоли орасида тиббий савиянинг пастлиги.

Яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Аҳолининг тиббий савияси пастлигидан тери-таносил касаллиги кўпайиб боряпти. Мана, бир мисол, ёшлар орасида кенг тарқалиб бораётган импотенцияни олайлик. Ёшлар нима қилади? Теварак-атрофдаги гап-сўзлардан қўрқиб, мутлақо нотаниш шифокорни ахтаради, уни ҳеч ким танимайдиган марказга, пойтахтга чопади. Марказда нима кўп, «Жинсий заифликни 100 фоиз тузатаман», «Импотенцияни 100 фоиз даволайман», «Заҳмни 5 кунда тузатаман»га ўхшаш реклама, эълон кўп. Тери, тери-таносил, аллергик касалликларни даволащдан кўра олдини оқиши тўхташи мумкин, бемор бироз тинчланади. Гўё тузалади. Аслида-чи? Касалнинг оғир асорати бемор организмида қолиб кетади. Орадан бир йил ўтадимий-йўқми, айниқса, эркакларда жинсий заифлик бошланади, соғлиғини йўқота бошлайди. Аёлларда эса ҳомила кўтариши қийинлашади, чала, ўлик бола туғилади, гўдакнинг ақли паст, кўриш қобилияти заиф бўлиб туғилади. Онанинг организмида салбий ўзгаришлар, хавфли ўсмалар, саратон касаллиги келиб чиқади.

ВИЧ/ОИТС, тери-таносил касалликлари узоқ, тўғри мақсадга йўналтирилган даволанишни талаб қилади, йўқса, организмда унинг оғир асоратлари, албатта, бўлолмайди.

Модомики, бу борада қўшни ҳудудларда ҳам аҳвол қониқарли эмас экан, демак, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга тўғри келади.

Институтимиз Россия, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондаги олимлар, илм даргоҳлари билан илмий ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Европа мамлакатлари, Англия, туркиялик мутахассислар билан узвий алоқа ўрнатдик, тажриба алмашяпмиз, замонавий тиббий асбоб-ускуналар оляпмиз. Бизнинг таклифимизга кўра апрель ойида АҚШ Дерматология, тери касалликлари врачлари ассоциациясининг вице-президенти ташриф буюради. У 15 кун давомида вилоятларда бўлиб, касаллар билан учрашади, аҳволни ўрганиб, конференциялар ўтказади, сўнгра вазиятни муҳокама қилишга киришамиз.

Ўз навбатида мутахассисларимиз халқаро анжуманларда иштирок этишмоқда. Ўтган йили Италияда Европа дерматологлари конгрессида институтимиздан 6 нафар мутахассис қатнашди. Улардан икки нафари анжуманда маъруза қилди. Конгресс ташкилий қўмитаси томонидан 62 маъруза қониқарли деб топилди. Ёш олимамиз Шаҳноза Мавлонованинг илмий маърузаси ана шу «кучли 62 талик»дан жой олди. Бу бизнинг илмий ютуғимиз. Зеро, тиббиётимиз, мутахассисларимиз ҳеч кимдан кам эмас.

Мени бир муаммо қаттиқ ўйлантиради. Одамлар тери, тери-таносил, гиёҳвандлик, чекиш, ичиш, ВИЧ/ОИТС, витилиго дардига дучор бўлган бемордан ўзларини «асраш»га интилишади-ю, афсуски, шу касалликларни келтириб чиқараётган омиллардан, ўта хавфли вирусли хасталикдан ўзини, болаларини, яқинларини ҳимоя қилишга одатланмайдилар.

Ҳаётий тажрибамдан, илмий кузатишларимдан — турмушга зийрак нигоҳ билан боққан, фиску-фужурдан ўзини асраган, тил ва дилни пок сақлаган, мухтасар айтганда, ҳалол яшаган одамга дард юқмайди, деган хулосага келдим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Саида САЙХУН ёзиб олди

Мусо Тошмуҳаммад ўғли ОЙБЕК таваллудининг 100 йиллиги олдидан

«АСРЛАРНИНГ СЎКИБ ЧОКИНИ...»

Устоз Ойбек буюк адиб, йирик адабиётшунос ва тадқиқотчи олим сифатида ўзидан бебаҳо мерос қолдирди. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ижодини чуқур тадқиқ этишда ҳам унинг муносиб ҳиссаси бор. У Навоий ҳаёти ва ижодини бу қадар мукаммал билмаганида «Навоий» романидек шоҳ асар ҳам дунёга келмаган бўларди.

Ойбек ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ улуғ мутафаккир ижодини теран ўрганишга киришган эди. Ана шу изланишлар натижасида «Алишер Навоий» илмий асари дунёга келганди. Бироқ, шоир ғоялари ва тимсоллари таҳлилига бағишланган бу яхлит асар нимагадир анча вақтгача нашр этилмади. Ниҳоят, 1961 йилда илк бор босмадан чиқди.

Ойбекнинг муҳим илмий асари — «Навоий гулшани» мажмуаси буюк шоирнинг таржимаи ҳоли, «Хамса»нинг асосий образлари, Навоийнинг дунёқараши масаласига доир, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси ҳақидаги алоҳида тадқиқотлардан иборат.

Мазкур асарнинг шоир ҳаёт йўлига бағишланган қисмида тарихий маълумотлар бирмунча бадиий бўёқларда баён этилса-да, унинг болалик ва навқиронлик йиллари, она тилига муҳаббати, ижодининг ибтидоси, арбоблик фаолияти, истеъдодларга мадади, бунёдкорлик ишлари, «Хамса»нинг яратилиши ва ниҳоят Навоий вафоти ҳақидаги маълумотлар сараланиб, асосий жиҳатлар атрофлича ёритилган. Ойбек илмий тадқиқотларида ҳам ҳис-ҳаяжонли, таъсирчан лавҳалар яратиш йўлидан борган.

«Хамса»нинг асосий образлари таҳлилига киришар экан, Ойбек ёзади: **«Навоий учун адабиёт, санъат ёлғиз ҳаёт безаги эмас. Бунда мутафаккир шоир адабиётнинг халқ учун чуқур тарбиявий аҳамиятини яхши англар эди».**

Ойбек «Хамса»нинг биринчи достони — «Ҳайрат ул-аброр»нинг Навоий дунёқарашини, фикриётини англашда муҳим манба эканини таъкидлайди, шоир илгари сурган ҳаёт фалсафаси, эзгу ғоялар талқини ва ижтимоий иллатлар танқиди асарда изчил ёритилганига алоҳида эътибор қаратади. Ойбек «Ҳайрат ул-аброр»нинг яна бир жиҳатига урғу бериб ёзади: **«Шоир яшаган даврнинг жонли сезгиларини яққол тасаввур қиламиз».**

«Хамса»даги ҳар бир тимсол (Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли, Баҳром, Искандар ва ҳоказо) Навоийнинг улкан ғояларини, орзу-умидларини ўз фаолиятида рўёбга чиқарганки, уларнинг ҳар бири Ойбек тили билан айтганда **«Шоирона даҳо билан нафас олган... буюк шоирона илҳом билан суғорилган, абадий сўлмас гул каби ўқувчини ҳамма вақт мафтун этади».**

1940 йилда нашр этилган «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир» мақоласида Ойбек **«Навоий нима тўғрида фикр юргизмасин, ҳамма вақт шоир бўлиб қолади»** деган фикрни илгари сурган. Муаллиф фалсафанинг абадият масаласи, Навоийнинг диний қарашлари, табиат, руҳ ва модда тушунчалари, тасаввуфга муносабати юзасидан фикр билдирар экан, **«шоир ўз фалсафий қарашларини очиқ-ойдин ифодалашга имкон топган эмас. У ўз фикрларини парда остига олиб, сўфий терминларига ўрашга мажбур бўлган»** — деб ёзади. Бу ерда мақола ёзилган даврдаги сиёсат мафкураси сезилса-да, Навоий ижодиёти пантеистик руҳда эканини, унинг лирикасида сўфиёна кайфиятнинг мавжудлиги инкор этилмагани диққатга сазовордир.

Ойбек шоирнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини ҳам атрофлича ўрганиб чиққан. Ўз илмий мақолаларида унинг ўзбек тилидаги биринчи тазкира, ўша давр адабий-маданий муҳитини ўрганишда қимматли манба эканини таъкидлаган.

«Навоийнинг адабий мероси» мақоласини ўқиш асносида ҳозирги кунда анчайин фаол тадқиқ этилаётган шоир ижодидаги тасаввуф масаласи Ойбекнинг ҳам эътиборидан четда қолмаганини кўриш мумкин. **«Навоий «аҳли ҳақиқат», — яъни тасаввуф фалсафасининг мафҳумида ҳам иш кўради. Баъзи тадқиқотчилар ўз асарларида бу жиҳатларга тамоман эътибор бермайдилар. Улар Навоий дунёқарашини тасаввуфга мутлақо зид деб тасдиқлайдики, бу шубҳасиз бир томонлама қараш натижасидир»**, деб ёзар экан, Ойбек келажакда англаниши зарур бўлган бу вазифани навоийшунослар зиммасига юклайди. Ўша вақтларда Ойбекнинг бу масалага ғоят жиддий ва қатъий қарагани унинг фавқулодда журъати, жасоратидан далолатдир.

Кўринадики, Ойбек «Навоий» романини яратгунга қадар шоирнинг ҳаёти, даври, замондошлари, адабий-маданий жараёнлар, аллома асарлари, унинг руҳий оламини атрофлича ўрганиб чиққан. Шунинг учун ҳам адабиётимиз тарихида мумтоз, бетакрор гўзал асар майдонга келган.

«Навоий ва Гули» шеърий достонида эса, халқ ривоятларига асосланган ҳолда, шоирнинг оташин муҳаббати қаламга олинган. Ниҳоятда дилбар манзума. Бунда шоирнинг улуғвор сиймоси, унинг табиатидаги энг инжа чизгиларни уқамиз. Достон **«Асрларнинг сўкиб чокини...»** мисраси билан бошланади. Чиндан ҳам, Ойбек Навоий ҳақидаги маълумотларни асрлар чокини сўкиб, териб олган. Устоз Ойбек ва улуғ Навоий қарашлари, руҳияти ва маънавияти уйғунлашиб кетгандек гўё.

Ҳукуматимизнинг **«Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»**ги қарори адиб сиймосига муносиб эҳтиром намунасидир. Ойбекнинг хизмати беқиёс. Унинг ижодий фаолияти худди ҳазрат Навоий ҳамда бошқа улуғ алломаларимиз мероси янглиғ ҳеч қачон завол топмайди.

Суйима ҒАНИЕВА,
адабиётшунос олима

Спорт

ЛИНАРЕС СИНОВИ ЯКУНЛАНДИ

Шоҳмотчиларнинг энг нуфузли Линарес мусобақасида қатнашиш қанча етакчи гроссмейстерларнинг орзуси, қанча гроссмейстерларнинг ушалмаган армонидир. Ўзбек шоҳмотининг фахри бўлган Рустам Қосимжонов эса ана шундай эътиборли мусобақада иштирок этди ва дунёнинг кучли гроссмейстерлари билан тенгма-тенг дона сурди.

Бу йилги Линарес мусобақасига ҳам кучлиларнинг кучлилари тўпланишди. Шундай мусобақада илк бор қатнашган Рустам Линарес синовидан муваффақиятли ўтди. Чунки шоҳмотчимиз биринчи давранинг барча ўйинларида кескин курашлардан кейингина дурангга имзо чекди. Мусобақа якунида эса Триполида ўтган жаҳон чемпионати ярим финалида Рустамдан мағлубиятга учраган Валерий Топалов ғолиблар қаторидан ўрин олди. Топаловнинг охирги турда Гарри Каспаровни мағлубиятга учратиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши, энди «Рустам Қосимжонов Триполидаги жаҳон чемпионатида кучли гроссмейстерлар қатнашмагани учун жаҳон чемпиони бўлганди», деган сўзларга асос қолдирмайди.

Рустам Триполида бўлгани каби Линаресда ҳам юксак интеллектуал салоҳиятини намойиш этишга қодир эди. Афсуски, бир қанча омиллар иккинчи даврада тўлиқ куч билан ўйнашига имкон бермади. Улардан асосийси Рустам шамоллаб қолгани учун иккинчи давра ўйинларида баланд иситмаси билан дона сурди. Натижада, кутилмаган мағлубиятларга учради. Бундан ташқари, қуръага кўра Рустам танаффуссиз олти ўйин ўтказди. Ҳар бири олти соатдан давом этган бу ўйинлар Рустамни толиқтирди. Айниқса, 4-турда Вишванатан Анандга қарши ўйинда нақд ғалабани қўлдан чиқариб юборгани руҳиятига салбий таъсир кўрсатди.

Маълумки, биринчи давра ўйинлари якунланаётган пайтда Халқаро шоҳмот федерацияси (ФИДЕ) кузда мутлақ жаҳон чемпионлиги учун мусобақа ўтказилишини эълон қилди. Бу хабардан кейин Рустам ҳам биринчи даврада қўллаган кураш йўсинини ўзгартирди. Шундай нуфузли мусобақада вазиятни кескинлаштирадиган юришларини қўллаб кўрди. Негаки, вазиятни кескинлаштирмасдан замонавий шоҳмотда ғалабага эришиб бўлмайди.

Фикримизни ушбу мусобақадаги Петер Леко ўйинлари тасдиқлади. У барча ўйинда дуранг қилиб, мусобақа жадвалида атиги 4-ўринни эгаллади. Шу боис Рустамнинг иккинчи давра ўйинларида вазиятни кескинлаштириб, ғалабага интилгани таҳсинга лойиқ. Ишонамизки, иқтидорли шоҳмотчимизнинг бу меҳнатлари кузда ўз самарасини беради.

Мусобақанинг охирги турида Майкл Адамснинг жаҳон шоҳмоти рейтингида 2-ўринни эгаллаб турган Ананд устидан қозонган ғалабаси ҳам кўпчиликнинг диққатини тортди. Айнан Адамс жаҳон чемпионати финалида Рустамнинг рақиби бўлганди. Бу натижа ҳам Триполидаги жаҳон чемпионати кучлилар орасида ўтганига ёрқин далил десак, муболаға эмас.

Юқорида таъкидланганидек, ФИДЕ қароридан кейин Линарес мусобақаси бўлажак мутлақ жаҳон чемпионати олдидан қатнашчиларнинг кучини баҳолашимизга имконият яратди. Дастлабки хулосалар шуки, Каспаров енгилмас, деган тушунча барҳам топди. Муҳими, ҳозирги кунда Рустам Қосимжонов исталган даражадаги мусобақада дадил дона сура олишига ишонч ҳосил қилдик.

Эътиборингизга Линарес мусобақаси жадвалини ҳавола этяпмиз. Бу жадвал мусобақа ҳақида тўлиқроқ маълумот олишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Эслатиб ўтамиз, мутлақ жаҳон чемпионлиги мусобақасида Франсиско Валехо ўрнида Владимир Крамник ва Александр Морозевич ўйнайди. Демак, ҳар бир шоҳмот мухлиси мусобақа жадвалига қараб, маълум хулосаларга келиши мумкин.

Асрор МЎМИН

Қуръа №	Линарес 23.2 — 10.3.2005	1	2	3	4	5	6	7	очко	ўрин
1	В.Ананд		1 1/2	1/2 1/2	1/2 1	1/2 1/2	1/2 1/2	1/2 0	6,5	3
2	В.Топалов	0 1/2		1/2 1/2	1/2 1	1 1	1/2 1	1 1/2	8	1-2
3	П.Леко	1/2 1/2	1/2 1/2		1/2 1/2	1/2 1/2	1/2 1/2	1/2 1/2	6	4
4	Р.Қосимжонов	1/2 0	1/2 0	1/2 1/2		1/2 0	1/2 0	1/2 1/2	4	6-7
5	Ф.Валехо	1/2 1/2	0 0	1/2 1/2	1/2 1		0 0	0 1/2	4	6-7
6	Г.Каспаров	1/2 1/2	1/2 0	1/2 1/2	1/2 1	1 1		1 1	8	1-2
7	М.Адамс	1/2 1	0 1/2	1/2 1/2	1/2 1/2	1 1/2	0 0		5,5	5

ОЛИМПИАДАНИ ЎТКАЗИШГА ДАЪВОГАР

Халқаро Олимпия қўмитасининг махсус комиссияси Москвага ташриф буюрди. Олимпиада чемпиони, марокашлик Наваль Мутавакел бошчилик қилаётган 16 кишилик комиссия аъзолари Россия пойтахтида 2012 йили ўтказиладиган олимпиадани ташкил этиш учун қандай шарт-шароитлар борлиги билан қизиқдилар. Тўрт кун мобайнида улар олимпиада иншоотлари билан танишиб, Москва мэри Юрий Лужков ҳамда мамлакат Бош вазири Михаил Фрадков билан учрашадилар.

Россия раҳбарлари қилинган ишларни комиссия аъзолари томонидан муносиб баҳолашига умид боғлашмоқда. Қизиғи шундаки, бордию Москвада олимпиада ўйинлари ўтказиладиган бўлса, меҳмонлару спортчиларга транспорт хизмати кўрсатишда Москва дарёсидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Чунки бу дарё барча спорт иншоотлари яқинидан оқиб ўтади. Ҳозирча спорт иншоотларининг 65 фоизи қуриб битказилган. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас.

Мамлакат пойтахтида кутилмаганда юз бераётган террорчилик хуружлари комиссия аъзоларида хавотир уйғотиши мумкин. Шунингдек, олимпиадага тайёргарлик кўриш учун ажратилган сармоя, олимпиадани ўтказишга номзод шаҳарларникига қараганда 2 баравар кам. Ва ниҳоят учинчи муаммо, Россия олимпия қўмитаси билан Халқаро олимпия қўмитаси раҳбарлари ўртасида айрим келишмовчиликлар ҳам бор.



UZBEKISTAN airways



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг янги қатнови

Икки қўшни давлат — Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари

ТОШКЕНТ — АСТАНА

энди тўғридан-тўғри ҳаво кўприги билан боғланади.

27 мартдан бошлаб замонавий ва қулай «RJ-85» ҳафтада икки марта — якшанба ва пайшанба кунлари мунтазам қатновларни амалга оширишни бошлайди.

P.HY-721/722
Тошкентдан учиш вақти — 11.15 (пайшанба)
Астанага келиш вақти — 15.25
Астанадан учиш вақти — 16.25
Тошкентга келиш вақти — 16.35

P-HY-723/724
Тошкентдан учиш вақти — 07.30 (якшанба)
Астанага келиш вақти — 11.40
Астанадан учиш вақти — 12.40
Тошкентга келиш вақти — 12.50

(Маҳаллий вақт бўйича)

Иккала минтақа аҳолиси «Тошкент» аэропортидан энг кам вақт сарфлаб ва мақбул нархларда исталган йўналишда авиасаёҳатлар учун қулай транзит маскани сифатида фойдаланишлари мумкин.

Қўшимча маълумотларни миллий авиакомпаниянинг Ҳаво алоқалари бош агентлигидан: Тошкент, У.Носир кўчаси, 9-уй, тел.: 56-38-37, 006, шунингдек, миллий авиакомпаниянинг Қозоғистондаги ваколатхонасидан: Алмати, Барбаев кўчаси, 36-уй, тел: (3272) — 600321 олиш мумкин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатновларида Сизлар билан кўришишдан бағоят хурсандмиз!



ТОШКЕНТ — ПОЛВОНЛАР ПОЙТАХТИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкентга ташриф буюрган FILA президенти Рафаэл Мартинетти мамлакатимизда спортга катта эътибор берилаётганини таъкидлаб, жаҳон кубоги баҳслари ташкилий жиҳатдан юксак даражада ташкиллаштирилганини эътироф этди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда пойтахтимизда йирик халқаро турнирлар ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки, жаҳон андозаларига жавоб берадиган кўплаб спорт кошоналари барпо этилиб, улардаги шарт-шароитлар дунё миқёсидаги йирик турнирларни уюштириш имконини беради. Тошкентда кураш бўйича жаҳон чемпионати, эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумидаги «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири, Осиё чемпионати ва бошқа нуфузли мусобақалар бунга мисол. Бугун мутахассислар Тошкентни полвонлар пойтахти деб эътироф этишмоқда.

Жаҳон кубоги беллашувларига тўхталадиган бўлсак, гиламга чиққан олти жамоанинг ҳар бир аъзоси фақат ғалаба учун курашдилар. Мухлислар бир-биридан қизиқарли ва ҳаяжонли учрашувларнинг шоҳиди бўлишди. Айниқса, Адҳам Очилов (55 кг.), Дилшод Мансуров (60 кг.), Мансур Мирзаев (120 кг.) каби полвонларимизнинг чиқишларини ишқибозлар олқишлар билан кутиб олишди. Шу ўринда ушбу турнирда Ўзбекистон терма жамоаси асосан иккинчи таркиб билан қатнашганини ҳам айтиб ўтиш керак. Шунга қарамай вакилларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Қизғин кечган беллашувларда кубаликлар ғолиб бўлишди. Украиналик спортчилар иккинчи, россиялик курашчилар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида бешинчи натижани кўрсатишди.

Тошкентда бўлиб ўтган Жаҳон кубоги баҳслари пойтахтимиз йирик халқаро спорт турнирлари марказига айланиб бораётганини яна бир бор исботлади.

Равшан ШОДИЕВ

✧✧✧

Абдуғани ЖУМАЕВ
олган сурат

Бокс

КЛИЧКОЛАР ЖАНГГА ШАЙЛАНМОҚДА

Ўта оғир вазнли украиналик ака-ука Кличколар навбатдаги жанг учун рақибларини танлашди. Хусусан, Владимир 23 апрель куни Дортмунд шаҳрида белорус Виталий Ляхович билан IBF йўналиши бўйича саралаш учрашувида қатнашади. Виталий эса 30 апрель куни Нью-Йоркда америкалик Хасим Раҳмон билан бўладиган жангда WBC йўналиши бўйича чемпионлик унвонини ҳимоя қилади. Тўғриси, Владимирга Крис Берд рақиб бўлиши керак эди. Лекин Криснинг рафиқаси Германияга боришига қаршилик қилгани учун у жангдан воз кечишга мажбур бўлди. Шунинг учун Крис 29 ёшли Сергей Ляхович билан алмаштирилди. «Шу ҳафтанинг охирида Малоркага учиб кетаман, — дейди Владимир. — Боиси, у ерда машқ қилиш учун шароит етарли. Германияда эса ҳозирча ҳаво совуқ».



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 254
11400 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30.
Topshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda